

МАМЛАКАТ бўйлаб

Корхона иш бошлади

Шерободда йилига 18 минг тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган янги корхона иш бошлади.

■ Корхона «Агрорасаноат-Шиндонг» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси томонидан бунёд этилди. Натижада юздан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий тиббий муассаса

Янгибод туманининг Янгибод қишлоғида қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди.

■ Маъзур иншоотни «Бекўлгон» кўп тармоқли хусусий фирмаси қурувчилари барпо этишди. Янги ҚВП замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Ижтимоий ҳимоя йилида Жизжаз вилоятидаги 83 та ҚВП «Саломатлик-2» лойиҳасига асосан 23 турдаги тиббий ускуна ва жиҳоз билан таъминланди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Зилол сувининг янги манбаи

«Ўзбекгидрогеология» давлат корхонасининг экспедицияси аъзолари Тошкент вилояти заминини қаърида чучук сувининг бир қатор янги захиралари мавжудлигини аниқлади.

■ Чунончи, яқинда пойтахтимиз биқинидаги «Кўктерак» участкасида бир кеча-кундузда салкам етти минг куб метр сув тортиб олиш имконини берувчи оби-хаёт манбаи излаб топилди. Ундан фойдаланиш ўзлаштирилса, Қибрай ва Тошкент туманлари аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиши янада яқшиланади.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар маркази

Марғилон шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бобур номи маҳалла гузарига шаҳар йигит-қизларининг иқтидорларини намоён этиш учун, уларнинг гоёвий-сиёсий билимларини ошириш ва бўш вақтларини маъмул ҳаёт мароқли ўтказишга хизмат қилувчи «Ёшлар маркази»ни барпо этди.

Марказда ҳозирги кунда 350 дан зиёд ёшлар компьютер сабоқларини олмақдалар.

Айни пайтда бу ерда Президентимиз асарларини ўрганиш, ахборот-таҳлил ва мувофиқлаштириш, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари, ёш оилалар билан ишлаш, ОИТС ва гиёвандликка қарши кураш ва бошқа марказлар фаолият кўрсатмоқда.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ.

Тадбиркор ташаббуси

Узоқ йиллардан бўён паррандачилик соҳасида ишлаб келаётган жомбойлик Фурқат Узоқов «Зарафшон-парранда» товуқчилик фирмасини ташкил этди. Натижада 20 киши доимий иш билан таъминланди.

Тадбиркор «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги ташландиқ бинони сотиб олиб, уни қисқа вақт ичида таъмирлади ва зарур ускуналар билан жиҳозлади. Шунингдек, бу ерда ҳўжа очирини йўлга қўйиш учун алоҳида инкубация хонаси ташкил этилди.

— Дастлаб Самарқанд туманидаги «Оҳалик-Ломанн парранда» ва «Мароқанд-парранда» қўшма корхоналаридан шартнома асосида 15 мингта товуқ сотиб олдик, — дейди тадбиркор. — Хадемай, фирманинг ўзида ҳўжа етиштиришни бошлаймиз. Йил охиригача эса, 200 минг донга туҳум тайёрлашни режалаштирганмиз.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бугун оламда саратоннинг ўтли нафаси сезилмайди. Офтобнинг майин ёғдулари танага хуш ёқади. Ҳовузу ариқлардаги сувлар тиниқ тортиб, тубига тилларанг ҳазонлар чўқди. Қишлоқ йўлларига, далаларда юрганингизда мезон толимлари юз-кўзларингиздан ўпич сўрайди. Билинг, куз дегани, кузак дегани худди шунинг ўзидир.

Тигиз доналари тирсиллаган анорлар мезон шамоллари эркалашидан ёрилади. Полиздаги омонат чайларнинг айри ва ҳодалари йиғиштириб олинди. Кўкатлар уругига ҳўп тўйган беданалар эндиликда тез-тез кўкка кўтарилмай қўйинди. Билинг, куз дегани, сулув кузак дегани шудир.

ДОНАЛАРНИ УЙҒОТГАН ЭЛИМ...

огиробек келинчаларни ташантириб қўяди. Буларнинг бари ҳолва. Куз аталмиш паривашининг ўзгача бир белгиси ўзгача бир ҳолларни бордин.

Толма белларга бўз этаклар боланди. Чилвир сочлар бошга чамбарак бўлди. Эндиликда қишлоқ аёллари тушда эмас, шомда эмас, уни қарангки, келиб-келиб нақд ярим тунда тандир қизи-тадиган одат чиқаришди. Кундузлари даладан ортмай қўйишди. Ҳақиқий ўзбек кузи бошланди.

Вакт деганлари — анкор. Ҳовилларда симга илинган қовун қоқилар новотранг тусга кириб улгурди. Айвон устунларидидаги шокила-шокила пиёз тизимлари кўзи қунаета бошлади. Лойсувоқ томлар устига ёйилган ишкорли офтоби майизлар чуғурчуқлар иштаҳасини дам-бадам қитқилди бошлади. Хар бири алоҳида-алоҳида қозога ўралиб сандиқларга тахлаб чиқилган олма-ларнинг ҳиди

МУЛҚДОРЛИК БАХТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ментимиз вақили, юқори палатада эса ўзи мансуб бўлган халқнинг вақили сифатида фаолият юритишмоқда. Агар Сенат, асосан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, минтақаларнинг вақиларидан иборат эканлигини ҳисобга олсак, улар бу ерда вақиллик вазифасини бажариш асосида умумдавлат ва худудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш йўлида катта юмушларни берувчи оби-хаёт манбаи излаб топилди. Ундан фойдаланиш ўзлаштирилса, Қибрай ва Тошкент туманлари аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланиши янада яқшиланади.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳмадиси ва Президент Девонининг давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган 16 мажлисидаги маърузасини ўқиб, шулар

кўнглимиздан ўтди. Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида ўтган даврда халқимиз эришган кўплаб муваффақиятларга алоҳида эътибор қаратиб, жумладан, шундай деди: «Сўнгги йилларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам тўб ўзгаришлар рўй берди. Ҳўжалик юритишнинг совет давридан қолган, ўзини оқлаган шакллари ҳозирга қадар яна бир катта бойлигимиз — далаларда етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш ниятида бедор юри-

тикбол сари дадил етаклаб бормоқда. Хар бир фермер ҳўжалиги эса ўртача 26,7 гектар ерда деҳқончилик қилапти. Бошқача айтганда, кейинги йилларда қишлоқ мулкдорларига ажратилган экин майдони 7 баробар кўпайди.

Фермер ҳўжаликлари бу йил, айниқса, ғалладан ҳар қачонгидан мўл хирмон яратганидан хабардорсиз, албатта. Шу кеча-кундузда эса улар яна бир катта бойлигимиз — далаларда етиштирилган пахта ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш ниятида бедор юри-

тибди. Кўпчилиги аллақачон контрактация шартномасини бажариб қўйди. Хусусан, Қасби туманидаги «Шавкат», Чортоқ туманидаги «Гули, Файз, Жамшид», Чўст туманидаги «Қобилжон ота Йўлдошев», Сайхунбод туманидаги «Моҳира Раббиева», Гулистон туманидаги «Замин» ва Арнасой туманидаги «Санзор» фермер ҳўжаликларида ҳозирга қадар гектар ҳисобига 30-40 центнердан ҳосил саранжомланди. Зафар маррасини забт этган бундай илғор фермерларнинг сафи кун сайин кенгаймоқда.

— Юртбошимиз биз, фермерларнинг фаолиятини яна бир бор юксак баҳолади, бунинг учун катта раҳмат! — дейди Қасби туманидаги «Шавкат» кўп тармоқли фермер ҳўжалиги раҳбари Шавкат Турсунов. — Ана шу юксак баҳога муносиб бўлиш учун бундан кейин ҳам мамлакат иқтисодий янада мустақамлаш, халқимиз турмуши фаровонлиги даражасини оширишдек азму қарорини дилга жо этиб, ғайрат-шижват билан меҳнат қилаверамиз.

Бу аслида муқтадил мамлакатнинг муқтадил мулкдорлари қалбидида пок ва оташин сўзидир.

Иқром ЎТБОСАРОВ.

ШАНХАЙДАГИ САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Халқро ташкилотлар вақиллари Ўзбекистон ҳўкумати Олимпия ҳаракатини ривожлантираётгани ҳамда ижтимоий тараққиётга катта эътибор қаратаётганини юксак баҳоладилар.

Шу ҳақда сўзлар экан, МОУ президенти Тимоти Шрайвер Махсус олимпияда ҳаракатини ривожлантиришнинг энг муҳим қирраларидан бири жойларда бевосита касалманд болалар ва уларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ишлар эканлигига эътибор қаратди. Унинг айтишича, Ўзбекистон ҳўкуматининг бу йўналишда олиб бораётган сый-ҳаракатлари ўз халқига раҳматликнинг энг ёрқин намуналаридан биридир. Шу ўринда Т.Шрайвер Махсус Олимпия ўйинларини фаол қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон Респуб-

ликаси раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Махсус Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитасининг раиси Майкл Смит ҳам Бухорода МОУ энг юксак даражада ўтказилганини қайд этди.

Шанхайда Махсус Олимпия ўйинлари бошланishi муносабати билан ХХР Раиси Ху Цзиньтао номидан қабул маросими бўлди. Ўзбекистон делегациясининг раҳбари билан бўлган учрашув чоғида ХХР етакчиси Бишкекда ШХТ саммити чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов билан жуда мазмулли ва фойдали суҳбат қурганини қайд этди.

Ташриф давомида ХХР спорт ишлари қўмитасининг раҳбари Лю Пен ва Шанхай Аёллар Федерацияси етакчиси Чжан Лили билан ҳам музокаралар бўлиб ўтди.

«Жаҳон» АА

Ибрат



СИФАТИ ЮҚОРИ, ФОЙДАЛАНИШ ҚУЛАЙ

«Ассом Термиз фирмаси» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси замонавий ҳоржик ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, улар ёрдамида истеъмолчиларга хар сменада 2,5-3 миллион сўмлик махсулот етказиб берилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган турли ҳажмдаги пластик челақлар ва бир неча хилдаги тоғораларга ички бозорда талаб ортиб борапти. Чўки ушбу ҳўжалик моллари юқори сифатли бўлиши баробарида фойдаланишда ҳам жуда қулайдир.

10 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхона жамоаси махсулот тури ва ҳажмини ошириш устида тинмай ишлаяпти. Бунинг натижаси уларок, йил охирига бориб, пластик махсулотлар тури 20 га тага етади.

СУРАТДА: корхона иш юритувчиси Халик Сатторқулов ва операторлар Евгений Мезенцов, Азамат Шоусупов.

И. ХЎЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ни менга бекорга беришгани йўк. Бу дамлар бир ой давом этади. Бир ярим ой давом этар. Элга аралаш қуралаш бўлиб юрарман. Билдингми? Шу кунларда қашу кирпигига пахта-нинг гарди кўнмаган одам одаммас ўзи.

Ана, гап! Мана, мулоҳаза! Тиллабек Қўлтоев билан гурун қилганимизга ҳали уч кун бўлгани йўк. Тиллабек Қўлтоевлар сир сақлашни билмайди. Ичидаги гали тилида туради. Эсингиздами, собик салтанат амалдорлари бундан йигирма йиллар муқаддам мана шу бугдой ранг одамларни ўғрига чиқаришган-ди. Уларни «қўшиб ёзувчилар»га йўйишди. Аслида эса, ёпинган кўрпа-си тўшағидидаги чойшаби пахтадан эди уларнинг.

Бахилининг боғи кўкармас, дейдилар. Яратган Эгам ўзбекининг ерини ҳам, элини ҳам, меҳнатю ҳосилини ҳам бахиллар панжасидан юлиб олиб, ўзига берди. Ҳақ-ҳақлигини қилди. Бугун ўзбек деҳқонини меҳнатдан етти маҳалани чорлаб тўйлар қилмоқда. Асақанин «Дамас-ию» «Нексия»-сини минчади. Меҳнатдан унмоқда. Меҳнатидан элга танилмоқда.

Даладаги хар бир аёлни энажоним, мунисам, деб атагин келади. Офтоб қиқмасдан далаларни уйғотган, офтоб ботган, далаларни ухлатиб қишлоққа қайтган минглаб-миллионлаб ва санамлар дунёдаги энг яқин кишиларнинг эканлигига мана шу палларларда беҳиёр имон келтиринг келади.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

Газетамизда бериб борилаётган савол-жавоблар кўпчилигининг эътиборини тортимоқда. Таҳририятимизга бўлаётган тинимсиз қўнғироқлар, почтаимизга келаётган қатор хат ва телеграммалар ҳам бунга далил.



Демак, ҳамюртларимиз мамлакатимиз ҳаётида бошланаётган муҳим сиёсий воқеага бефарқ эмаслар. Газетчилар билан мулоқотимизнинг янада жонли кечишида бизга Марказий сайлов комиссияси хар томонлама кўмаклашмоқда. Муштарийларимизнинг навбатдаги саволларига Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Кўчкор ТОҒАЕВ жавоб беради.

— Марказий сайлов комиссияси мажлислари қандай пайнда ўтказилади?

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси ишнинг ташкилий қўрилиши унинг мажлислари ҳисобланади. Комиссия мажлислари бевосита Раиснинг ташаббуси билан ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг учдан бир қисми талабига биноан қақрилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий микдорининг камидан учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари оқиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий микдорининг оддий кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Комиссия қарорлари раислик қилувчи томонидан имзоланади ва матбуотда эълон қилинади.

Айни шу кунларда округ ва участка сайлов комиссияларини ташкил этиш билан боғлиқ катта ташкилий ишлар бораётганлиги туфайли Марказий сайлов комиссиясида қарийб хар кун мажлислар ўтказилмоқда. Эндиликда мажлисларнинг даврийлиги сайлов кампаниясига доир тегишли босқуларнинг аҳамиятига, шунингдек, жорий масалаларнинг ҳал этилиши заруриятига қараб белгиланади.

— Сайлов бюллетенларига уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунча киритилади?

— Энг аввало, хар бир сайловчи қўйидагиларни билиб олиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига биноан, сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунча бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайлов бюллетенига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгалаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда киритилади. Марказий сайлов комиссиясининг фармойишига биноан, сайлов бюллетенлари сайловга қамиди йигирма кун қолганда давлат тилида нашр этилади. Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан, сайлов бюллетенлари сайлов округининг кўпчилиги аҳолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Бундан ташқари, сайлов бюллетенларини тўлдириш тартиби хусусида оммавий ахборот воситалари орқали ҳам тушунтириш бериб борилади. Мабодо, кимдир бу тартиблар билан танишишга улгуролмаса, сайлов куни участка сайлов комиссиялари аъзолари унга бевосита ёрдам кўрсатадилар.

ЎЗБЕКISTON ЕТАКЧИ ЎНЛИҚДАН ЖОЙ ОЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўтказган рейтингда юқори поғонадан жой олишини таъминлади. Бу Ўзбекистон Марказий Осий давлатлари ичидидагина эмас, балки Шарқий Европа давлатлари орасида ҳам иқтисодийда чўқур таркибий ўзгаришлари амалга ошириб, юксалишга эришаётганини аниқлади.

— Тақрибадан маълумки, хусусий секторнинг ривожланиши бевосита давлат томонидан бизнес юритиш учун қулай муҳит юзага келтирилганлиги билан боғлиқ, — дейди лойиҳа мутахассиси Светлана Бағаудинова.

— Масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашсак, юртнингизда бундан ташқари тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар ҳам берилган. Хусусан, текширув органларига маълумот тақдим қилиш муддатининг узайтирилган, корхоналарни рўйхатга олиш жараёни ниҳоятда соддаштирилган, ташкилотларнинг иштиёрий тугатиш жараёни эса тартибга солин-

С. РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКISTON БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ ЎЗБЕКISTON БАДИЙ ИЖОДКОРЛАР УЮШМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 13 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбек адабиётининг атоқли намояниси, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг Тошкент шаҳрида ўрнатиладиган ҳайкали лойиҳасини яратиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов шартлари:

1. Танловда профессионал ҳайкалтарошлар иштирок этадилар.
2. Яратиладиган эскизлар ўлчамлари ва ашёси муайян қилинган иштиёрий ҳавола қилинади.
3. Эскизлар шоиранин бадий сиймоси, руҳий-маънавий оламини ёрқин акс эттириши ҳамда юксак эстетик талаблар даражасида бажарилиши зарур.
4. Фойлбар танлов ҳаёти томонидан аниқланади ва раъбатлантирилади.

Муддат: 2007 йил 10 ноябрь


Барча зарур маълумотларни Бадий академиядан олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй. Телефон: 153-34-97.

Нон азиз ва муқаддас, бунга шак-шубҳа йўқ. У ҳаётимизнинг нафақат мазмуни, балки, безаги, кўрки, ҳаловати ҳамдир. Бобом Носирхон Муҳиддинов уруш хотиралари ҳақида эртатка ўшатиб гапириб беришни хуш кўрар эди. Шу хотиралар ичида, айниқса, нон билан боғлиқ ёдномалари менга қаттиқ таъсир кўрсатган, эсласам, ҳозир ҳам ҳайратга тушаман.

— Оила қурганимга икки йил бўлган, онанг эндигина атак-чечак қилапти. Мен эса ўзим билмаган ҳолатда фин урушига кетаяпман. Ўша йиллар қаҳатчилик, катта бувинг бир амаллаб беш-олти дона нон ёндилар, шулардан бит-тасини каттароқ ёпиб қўлимга бердилар: «Буни уч тишла, биринчисидан ўзингга узоқ умр сўра, иккинчи тишлаганингда аёлинг, фарзандинг, бўлажак зурриятларинг ризқини, фароғатини тила, учинчи тишламда дунёда онам ёлган нондан кўра ширинроқ нон йўқ ва мен қишлоғимга тинчликда, ўлмасдан қайтиб келаман, дея Аллоҳга тавалло қил», дедилар. Шу уч тишламдан иккитасини еган бўлсам, учинчисини ўзим билан олиб кетдим. Фин уруши, иккинчи жаҳон уруши оловлари ичидан ўтдим. Ўн беш жойимдан яраландим, ҳар сафар ўлим билан олишганимдан сўнг ўша учинчи тишам нон бўлагини пешонамга суртаман, кўнглим ёришади, кўркув йўқолади. Ўйга катта бувинг айтганидек, ўлмасдан қайтишга, бир кунмас-бир кун юрт бугдойдан ёпилган, дунёдаги барча нонлардан кўра ширинроқ нонга, албатта, яна тиш босишимга бўлган ишонч ортаверарди. Назаримда, мени шу нон бўлагини ўлимдан асраб қолгандай...

Бугун бобомнинг нон ҳақидаги ёдномаларини ақл тарозисига солиб кўрар эканман, ўз-ўзидан шундай хулосага келаман. Нон, биринчидан, узоқ умр, тўқлик ва бахт, иккинчидан, оила риштаси, эр-хотин, фарзандлар ризқи, фароғати, учинчидан, Ватан мухаббати ва тинчлик рамзи экан. Айни чоғда юртимиз озод ва обод,



тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурган замонда, бунёдкорлик ҳамда ёрқин келажак орзусининг хайрли ва эзгу ташвишлари билан яшаймиз. Юртимизда тўй устига тўй. Ноннинг энг улуг оила риштаси, бахт-саодат мақомидаги кадр-қиммати тобора юксалиб бораёпти. Чунончи, 2006 йили республикамиз бўйича 208 423 та никоҳ қайд этилган, табиийки, шу микдорда фотиҳа маросимлари ўтказилган. Агар шу рақамни иккига кўпайтирсак, қарийб 450 минг дона нон ёшларимизнинг бахти учун ушатиладган.

— Юртимизда 2007 йилнинг 9 оyi мобайнида 171 594 та ёш оила ўз никоҳларини расмийлаштирди, — дейди Адлия вазирлигининг Нотариат, ФХДЁ ва адвокатура бошқармаси бошлиғи Дилбаҳор Ёқубова. — Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 27 906 та кўп дегандир. Ушбу рақамлар мамлакатимизнинг салоҳияти, қудратини ифодалаш билан бирга, ёшларга яратилган шарт-шароитлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

ҚИЗИМИЗГА НОН УШАТДИК

тўғрисида»ги Фармони таълиқлари амалиётга фаол татбиқ этилаётганини ҳамда бу Фармон ёшларимизда оила парварлик туйғусини янада кучайтиргани, давлатимизнинг эса оталарча ғамхўр-

▼ Кадрият

лигининг янги, сермазmun мезонларини акс эттиради. Албатта, шу ўринда оила каби азиз риштани мустақамловчи ноннинг фазилатини тақрор ва тақрор айтсак, тўғри бўлади. Фотиҳа тўйларида қиз тарафининг розилиги олингач, ушатиладиган ноннинг шарофати, аҳамияти беқиёс. Мазкур удум ёшларнинг бахти, оила мустақамлиги, ўзаро меҳр ва мухаббатда яшашлари учун амалга оширилган қўлғу ҳаракатдир. Шундай экан, ёшларимиз ҳаммиса давлат никоҳининг қадри билан бир қаторда муқаддас нон ўртага қўйилиб, фотиҳа ўқилганини ёдда тутиб, унинг масъулиятини, саодатини ардоқлаб, кўз қорачикларида асраб юришлари жуда ҳам муҳим. Аммо шунинг баробарида, фотиҳадан кейин майда-чуйда тадбирлар ўтказиб, ман-

манликка берилиш, натижада ноннинг қадрини тушириб, увол қилиш яхши эмас. Бу ҳақда ҳар биримиз обдон ўйлаб кўрсак, фойдадан холи бўлмасди.

Дарҳақиқат, Дилбаҳор опанинг, айниқса, куюнчақлик билан айтган сўнги фикрини ўйлаб кўришга жиддий зарурат бор десак, хато қилмаймиз. «Тўқликка- шўхлик» қабилада айрим ҳолларда нон на-

ча нон сотиб оламиз, хоҳлаганча уни сарфлаймиз», дегувчилар, «Нонни исроф қилмаймиз, қотиб қолса йиғиб мол-холга берамиз», дея ўйламай гапирувчилар, «Ҳа, энди нон турмушдаги одатий нарса, ишлатилади-да... Ё бирор гап борми?» деб эгри ҳаёл қилувчилар, афсус, буюк бобокалонимиз айтганларидек, хирс ва ғазабини тийла-маяптилармикан, деган фикр-

қадар азизлигини, у бебаҳо неъматлигидан ташқари олий кадрият, эътиқод ва меҳр-шафқат тимсоли эканлигини унутиб қўймаймизмикан?! Бир неча оилар муқаддам ўзбек ғаллакорлари улкан ғалла хирмонини уйғаниқларини бутун дунё билди. Канада, Украина ва бошқа йирик ғаллакор мамлакатларда ҳосил чўғи пасайиб кетган бир пайтда бизнинг юртдан тарқалган хушбаҳар кўпчиликни қувонтирди. Фидойи дехқонларимизнинг заҳматли меҳнати, давлатимизнинг оқилона сиёсати самараси ўларок, Яратганга шукр, дон-дунимиз катта рўзгоримизга етади. Инчунин, ана шу барокотни қалбан тушуниш, унга егулик сифатидагина эмас, балки муқаррам хосият, тушунча, туйғу сифатида қараб бизнинг инсоний мартабамиз даражасини белгилайди. Алҳол, унинг исрофига йўл қўйиш, беписанд муносабатда бўлиш, оғир бося-да таъкидлашимиз, тарбиясизликдир.

Абу Али ибн Сино «Кшии учун энг фойдали, дини ёри-тувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратлиси эса хирс ва ғазабдир», деганига минг йиллардан ошди. «Тўймаърака бизники, хоҳлаган-

га бориб қолишимизга сабаб бўлади баъзан.

Аслида бизнинг мақсади-миз ноннинг ўч хосиятидан иккинчисини — нон янги оила ва бўлажак фарзандлар бахтининг маънавий кафолати эканлигини яна бир қарра эслатиб ўтиш, холос. Чунки, мамлакатимизда йил охири-га қадар янги, ёш оилалар сони 300 мингдан ортиши кутилмоқда. Демак, шу йил олти юз минг муқаддас нон эзгу ва яхши ниятда ушатилади. «Ризқларинг нондек бутун, умрларинг нондек иссиқ ва ширин бўлсин», дея дуолар қилинади. Қолаверса, бу дуолар жарағи ҳар кун ироқларимизга қелиб уқрилиб турибди. Бинобарин, аксариятимиз ҳар эрта саҳарда нон-шута маҳали дастурхонимизда нонни кўрарканмиз, ҳаёт ва келажак ҳақиқа шукрона айтаемиз. Улуғлиги ва азизлиги шарафига уни тавоф айлаб, эҳтиромимизни билдираемиз. Зеро, нон — иймон-эътиқодимизнинг тафтили, мулоким, тотли, муродбахш нуқтаси. Шундай экан, уни эъзозлаш, қадрлаш, ҳурматини жойига қўйиш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Абдували ҚУТБИДДИНОВ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОЙЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиши мўлжалланган касб-хунар коллежларига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини тақроран эълон қилади:

1. Зарафшон шаҳрида «компьютер технологиялари» йўналиши бўйича 540 ўринли касб-хунар коллежи қурилиши (калители билан).
2. Нурота туман «Фозгон» кўрғонидан «саноат ва геология» йўналиши бўйича 360 ўринли касб-хунар коллежи қурилиши (калители билан).

Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил 1 июль.

Буюртмачи — Навоий вилоти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилоти ҳоқимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш ажратилган Давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридан буш айланма маблағлар ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устас сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).


Танлов савдоларида талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилоти ягона буюртмачи хизмати танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.
Тел./факс: (436) 225-53-85, 225-52-38.


Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати: қурилиш учун — 60 минг сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.



«ПЕТРОНАС» компанияси
Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити муносабати билан чин юракдан табриклайди.

Компания «ПЕТРОНАС»
искренне поздравляет народ Узбекистана с наступающим светлым праздником Рамазан-хаит.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АПОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ

2007 йил 9 октябрдан бўш ўринларга танлов асосида иштирок этиш учун ҳужжатлар қабул қилинишини эълон қилади:

1. **Иқтисодий ва халқаро ҳуқуқ йўналишидаги мутахассислар учун**
(жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети битирувчиларига устуворлик берилади).
2. **Транспорт ва транспорт коммуникациялари, халқаро транзит ва логистикаси йўналишидаги мутахассислар учун**
Талаблар: автомобиль, темир йўл ёки ҳаво транспорти, халқаро транспорт коммуникациялари, логистика ҳамда транзит йўналишидаги мутахассислар.
3. **Ахборот хизмати бошлиғи учун**
Талаблар: журналистика соҳасида билим ва тажрибага эга, иқтисодий йўналишдаги мақолалари оммавий ахборот воситаларида чоп этилган, раҳбарлик лавозимидан икки йиллик меҳнат стажига эга мутахассислар.
4. **«Ўзинфинвест» агентлиги мутахассислари учун**
Талаблар: Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсати доирасида билим ва тажрибага, имиджини яраттиришдаги касбий маҳоратга эга (имиджмейкинг) мутахассислар.

БАРЧА МУТАХАССИСЛАР УЧУН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР:
23 — 40 ёшлардаги, магистр даражасига, мутахассислиги бўйича икки йил меҳнат стажига ва компьютерда ишлаш тажрибасига эга, ўзбек, рус ва инглиз тилларини билувчи мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Аризалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 1-уй. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг кадрлар бошқармаси.

Маълумот учун телефонлар: 138-50-59, 138-50-62, 152-07-07.

Российский линолеум
Обои
виниловые

Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси жамоаси ассоциация-нинг Фаргона вилоти муассасаси директори Абдували Қурбонова волидаи муҳтарамаси

КАРОМАТХОН онанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректорати ва бирлашган касба уюшма қўмитаси «Макроиктисодий» кафедраси муdiri, профессор Бозорбой Беркиновга акаси **Зайиддин ҲАЙДАРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Педагогика ва психология» кафедраси доценти, меҳнат фахрийси **Динара АСАДУЛЛАЕВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўқимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви, «МАХАМ-CHIRCHIQ» очик акциядорлик жамияти жамоаси корхона фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис **Саттор Рафурович ЯКУБОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзсувтаъмирфойдаланиш» республика бирлашмаси жамоаси бирлашма бошқарувининг ўринбосари **Машнон Эркинович МАХМУДОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 23333 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терьялда ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.
Навбатчи — М. Окунова.
Мусаҳҳах — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 22.05 2 3 4 5 6